

**ГЕПАТИТ ВА ТУБЕРКУЛЁЗНИНГ БИРГАЛИКДА КЕЧИШИДА
КОЛЛАГЕН АЛМАШИНУВИНИНГ ПАТОБИОКИМЁВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

ЙитмасоваТухфа Давлатовна

yitmasova.tohfa@bsmi.uz

Бухоро давлат тиббиёт институти Абу Али Ибн Сино Номидаги

ТЕЗИС:

Инфекцион касалликларнинг биргаликда кечиши организмдаги биокимёвий мувозанатни сезиларли даражада ўзгартиради. Шу нуқтаи назардан, жигардаги коллаген алмашинуви ва фиброз жараёнларини баҳолаш — сурункали гепатит ва туберкулёз билан оғриган беморларда жуда муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу ишда 122 нафар сурункали гепатит билан оғриган ва туберкулёз ташхиси лаборатор жихатдан тасдиқланган беморлар ҳамда 30 нафар соғлом шахслар иштирок этди. Барча биокимёвий таҳлиллар анти-туберкулёз терапия бошланишидан олдин амалга оширилди. Қон зардобиди коллаген III ва IV турлари ферментли таҳлил усулида аниқланди.

Олинган натижаларга кўра, беморларда жигар фиброзининг биокимёвий белгиларидан бири сифатида коллаген фракциялари даражасининг ортиши кузатилди. Бу ҳолат туберкулёз инфекцияси таъсирида гепатоцитлардаги яллиғланиш ва қайта тузилиш жараёнларининг кучайиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижалари коллаген III ва IV турларини жигар фиброзининг ишончли эрта биомаркери сифатида қўллаш имконини кўрсатди. Ушбу усул биопсиясиз фиброгенезни баҳолаш ва даво самарадорлигини назорат қилишда самарали деб топилди.

Калит сўзлар: *гепатит, туберкулёз, фиброз, коллаген, биомаркер, гепатоцит, яллиғланиш, клиник таҳлил.*